

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.18/2025.27.12.Gr.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**БОБОХОНОВА МАМУРАХОН НОРМИРЗА ҚИЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ОБ-ҲАВОСИГА ЭЛЬ-НИНЬО ВА ЛА-НИНЬЯ  
ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЭҲТИМОЛИЙ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ**

**11.00.04 – Метеорология. Иқлимшунослик. Агрометеорология**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2026**

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on geographical sciences**

<b>Бобохонова Мамурахон Нормирза кизи</b> Ўзбекистон об-ҳавосига Эль-Ниньо ва Ла-Нинья жараёнларининг эҳтимолий таъсири баҳолаш.....	3
<b>Бобохонова Мамурахон Нормирза кизи</b> Оценка возможного влияния процессов Эль-Ниньо и Ла-Нинья на погоду в Узбекистане.....	21
<b>Bobokhonova Mamurakhon Normirza kizi</b> Assessment of the possible impact of the El Niño and La Niña processes on the weather of Uzbekistan.....	39
<b>Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	43

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.18/2025.27.12.Gr.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**БОБОХОНОВА МАМУРАХОН НОРМИРЗА ҚИЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ОБ-ҲАВОСИГА ЭЛЬ-НИНЬО ВА ЛА-НИНЬЯ**  
**ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЭҲТИМОЛИЙ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ**

**11.00.04 – Метеорология. Иқлимшунослик. Агрометеорология**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2026**



## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё микёсида иқлим ўзгариши ҳамда унинг салбий оқибатларига қарши курашиш ва мослашиш масалалари ҳозирги вақтда жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг йирик муаммолардан бири ҳисобланади. Жаҳон метеорология ташкилоти олтига халқаро маълумотлар тўпламига асосланиб, “2024 йилни тарихдаги энг иссиқ йил сифатида тасдиқлади. Ўтган ўн йилнинг барчаси рекорд даражадаги ҳароратларнинг ғайриоддий кетма-кетлиги билан энг юқори ўнталикка кирди. Узоқ муддатли иссиқ жараёнида қисқа муддатли ҳарорат кўтарилишлари 2023 йил ўрталаридан 2024 йил майгача давом этган Эль-Ниньо сингари табиий ҳодисалар туфайли юз берган бўлиши мумкин”, деб таъкидланган<sup>1</sup>. Ушбу ҳолат, Эль-Ниньо – Жанубий Тебраниш (El-Nino-Southern Oscillation (ENSO)) ҳодисасининг минтақавий об-ҳавога таъсирини ўрганишни тақозо этади.

Жаҳонда глобал иқлимий тизимда содир бўлаётган ENSO ҳодисаларини пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш, Эль-Ниньо ва Ла-Нинья ҳодисаларининг механизмлари, ривожланиш босқичлари ва телеалоқаларини тушуниш, дунёнинг кўплаб минтақаларида ҳаво ҳарорати, ёғингарчилик ва атмосфера циркуляциясидаги ўзгаришларига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. ENSO ҳодисаларининг жадаллиги ва даврийлигини олдиндан прогнозлаш, уларнинг иқлим ўзгариши билан ўзаро боғлиқлиги, шунингдек, Эль-Ниньо ва Ла-Ниньянинг экстремал об-ҳаво ҳодисаларига (қурғоқчилик, сув тошқинлари, бўронлар, ўрмон ёнғинлари) узоқ муддатли таъсирини аниқлаш ҳамда мослашув стратегияларини ишлаб чиқиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда иқлим ўзгаришига мослашишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ва мақсадли дастурларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4896-сон Қарорида “турли муддатли гидрометеорологик прогнозлашнинг инновацион услубларини жорий этиш, турли барвақтликдаги об-ҳаво прогнозларининг ишончилигини ошириш”<sup>2</sup> устувор йўналишдаги вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бу борада мамлакатимизда Эль-Ниньо ва Ла-Нинья жараёнларининг ҳаво ҳарорати ва ёғингарчилик режимига кўрсатадиган эҳтимолий таъсирини ўрганиш, уларнинг фазалари бўйича иқлимий аномалияларни аниқлаш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси

<sup>1</sup> Жаҳон метеорология ташкилоти. <https://wmo.int/news/media-centre/wmo-confirms-2024-warmest-year-record-about-155degc-above-pre-industrial-level>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4896-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/5108961>

Президентининг 2024 йил 24 июндаги ПҚ-233-сон “Иқлим ўзгаришига нисбатан барқарор агроэкологик яратиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг иқлим ўзгариши билан боғлиқ хавфларга мослашувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ-4896-сон “Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 11 августдаги ВМ-362-сон “Иқлим ўзгариши ва табиий офатлар хавфига нисбатан миллий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда самарали амалга оширишни ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Эль-Ниньо ва Ла-Нинья ходисалари, уларнинг пайдо бўлиши ҳамда дунёда содир бўлаётган об-ҳаво ходисаларига таъсири масалалари бўйича кўплаб хорижий олимлар, шу жумладан, J.Bjerknes, K.Wyrski, G.T.Walker, S.E.Zebiak, K.E.Trenberth, M.J.McPhaden, D.S.Battisti, B.Wang, K.Ashok, A.G.Barnston, R.Seager, N.K.Larkin, D.E.Harrison, C.F.Ropelewski, M.S.Halpert ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Собиқ Иттифоқ ва МДХ мамлакатларида Л.Н.Аристова, Д.Ю.Гушина, Г.В.Груза, М.А.Петросянц, Е.В.Соколихина, Е.М.Володин, Л.К.Клешенко, И.И.Мохов, Д.А.Смирнов, Е.К.Семёнов, Н.С.Сидоренков каби олимларнинг тадқиқотлари Эль-Ниньо ва Ла-Нинья ходисаларининг пайдо бўлиши, уларни прогноз қилиш усуллари, кўплаб мамлакатлар доирасида улар келтириб чиқарадиган салбий (ижобий) оқибатлар, океан ва атмосфера циркуляцияси ўртасидаги боғлиқлик ҳамда бу жараёнларнинг турли ҳудудларга таъсирини ўрганганиш масалаларига бағишланган.

Ўзбекистонда Эль-Ниньо ва Ла-Нинья ходисаларига оид тадқиқотлар О.Л.Бабушкин, С.И.Инагамова, Л.Е.Скрипникова, И.С.Ким каби олимлар томонидан олиб борилган. Ушбу тадқиқотларда Эль-Ниньо ва Ла-Нинья ходисаларининг Ўрта Осиё синоптик жараёнларининг ривожланиши, ёғингарчилик ва ҳаво ҳарорати режими ҳамда дарёлар оқимига таъсири масалалари ёритилган. Сўнгги йилларда ушбу масалалар билан М.Л.Арушанов, Б.Ш.Кадиров каби тадқиқотчилар шуғулланмоқда.

Мазкур диссертация иши аввалги тадқиқотлардан ENSO ходисасининг Ўзбекистонда ёғингарчилик ва ҳаво ҳарорати режимига таъсирини баҳолашда ҳодиса жадаллигининг ҳисобга олинганлиги, ходисаларнинг республика бўйича ёғинлар миқдорига таъсирини жойнинг баландлигига боғлиқ ҳолда ўрганилганлиги билан ажралиб туради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Ушбу диссертация тадқиқоти Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқотлар режасининг “AL-5521122138-Автоматлаштирилган метеорологик радиолокаторлар тармоғининг ягона ахборот тизимини яратиш” (2024-2025 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Эль-Ниньо ва Ла-Нинья ходисаларининг Ўзбекистон ҳудудида ёғингарчилик ва ҳаво ҳарорати режимига эҳтимолий таъсирини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Эль-Ниньо ва Ла-Нинья фазалари кузатилган даврларнинг хронологиясини аниқлаш ва таснифлаш;

Ўзбекистон ҳудудидаги ёғингарчилик миқдориغا Эль-Ниньо ва Ла-Нинья жараёнларининг таъсирини статистик баҳолаш;

геоахборот технологияларидан (ГАТ) фойдаланиб, Эль-Ниньо ва Ла-Нинья фазалари давридаги ёғингарчилик аномалияларининг рақамли карталарини яратиш;

ёғингарчилик аномалияларининг жойнинг баландлиги бўйича ўзгариш қонуниятларини аниқлаш;

Эль-Ниньо ва Ла-Нинья ходисаларининг эҳтимоллиги асосида Фарғона водийси ҳудуди учун узоқ муддатли ёғингарчилик прогнози моделини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида асосий иқлимий кўрсаткичлар – Ўзбекистон ҳудудидаги ёғинлар миқдори ва ҳаво ҳарорати танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистон ҳудудида асосий иқлимий кўрсаткичларга Эль-Ниньо ва Ла-Нинья ходисаларининг таъсири масалалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида таснифлаш ва математик статистика, фазо ва вақт таҳлили, метеорологик ҳисоблашлар ва баҳолашлар, математик моделлаштириш, ГАТ ва сценарийли прогнозлаш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Эль-Ниньо фазаси кузатилган давр мобайнида Ўзбекистон ҳудудида ёғингарчилик миқдорининг меъёрдан кўп, Ла-Нинья даврида эса, аксинча, ёғингарчилик миқдорининг меъёрдан кам бўлганлиги аниқланган;

Эль-Ниньо ва Ла-Нинья фазалари даврида ёғингарчилик аномалиялари миқдорининг баландлик бўйича ўзгариши аниқланган;

Эль-Ниньо ва Ла-Нинья фазалари даврида Ўзбекистонда кузатилган ёғингарчилик аномалиялари миқдорининг рақамли карталари ГАТ асосида яратилган;

Эль-Ниньо ва Ла-Нинья ходисаларининг эҳтимоллиги асосида Фарғона водийси ҳудудига келгуси 10 йиллик давр учун узоқ муддатли ёғингарчилик миқдори прогнози сценарийси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ENSO ҳодисасининг турли фазаларида (Эль-Ниньо, Ла-Нинья) республика ҳудудида кузатиладиган ёғингарчилик ва ҳаво ҳарорати режимларидаги ўзгаришлар аниқланган;

Эль-Ниньо ва Ла-Нинья фазаларида республикада ёғингарчилик ва ҳаво ҳарорати режимларидаги ўзгаришларнинг юзага чиқиш даврлари ва ҳудудлари аниқланган;

ГАТ асосида Эль-Ниньо ва Ла-Нинья фазалари давридаги метеорологик ўзгаришларнинг Фарғона водийсидаги тақсимотини акс эттирувчи карталар яратилган;

келгуси ўн йиллик ёғингарчилик режимига тааллуқли иқлим модели учун методологик асос ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертация ишини бажаришда АҚШнинг National Centers for Environmental Information National Oceanic and Atmospheric Administration (NCEI NOAA) веб-саҳифаси маълумотлари, Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги (Ўзгидромет) тизимида ягона усулда амалга оширилган метеорологик кузатиш маълумотлари ва Ўрта Осиё синоптик жараёнлари тақвимларидан фойдаланилганлиги, уларни қайта ишлаш, катталиклар орасидаги алоқадорликни баҳолаш ва таҳлил қилишда стандарт статистик усулларнинг қўлланилганлиги, шунингдек, олинган натижаларнинг атмосфера физикасининг замонавий қонуниятларига мос келиши билан белгиланади. Тадқиқот натижасида олинган илмий натижалар ва тақлифлар амалиётга жорий қилинган ва ваколатли ташкилот томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, ишда олинган натижалар ва асосий хулосалар, жумладан, ENSO ҳодисасининг Ўзбекистон ҳудудидаги ёғингарчилик ва ҳаво ҳарорати режимларига таъсирини аниқлашга қаратилган илмий ёндашувларни такомиллаштириш, метеорологик омилларнинг ENSO ҳодисаси билан боғлиқлик қонуниятларини илмий жиҳатдан асослаш, аниқланган ENSO фазаларида кузатиладиган ёғингарчилик аномалияларининг ҳудудий ва баландлик бўйича тафовутлари, океан-атмосфера ўзаро таъсирининг роли ва механизмларини чуқурроқ англашга хизмат қилади.

Диссертация тадқиқотининг амалий аҳамияти шундаки, ишда олинган асосий натижалар ва аниқланган қонуниятлардан Ўзбекистон ҳудудида ENSO ҳодисаларининг турли фазаларида юзага келадиган ёғингарчилик ва ҳарорат ўзгаришларини баҳолаш, уларни мавсумий ва узоқ муддатли прогнозлашда қўллаш, шунингдек, иқлим ўзгарувчанлиги таъсирига мослашиш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, ГАТ асосида яратилган ёғингарчилик аномалиялари карталаридан сув ресурсларини бошқариш, қишлоқ хўжалиги фаолиятини режалаштириш, фавқулодда вазиятлар хавфини баҳолаш ва иқлим хатарларини камайтиришда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон об-ҳавосига Эль-Ниньо ва Ла-Нинья жараёнларининг эҳтимолий таъсирини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

Эль-Ниньо фазаси кузатилган давр мобайнида Ўзбекистон ҳудудида ёғингарчилик миқдорининг меъёрдан кўп, Ла-Нинья даврида эса аксинча, ёғингарчилик миқдорининг меъёрдан кам бўлиши Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати агентлигида ёғингарчиликни прогноз қилишда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2025 йил 8 октябрдаги 01-15/1593-сон маълумотномаси). Натижада, Эль-Ниньо ва Ла-Нинья фазалари даврларида Ўзбекистон ҳудудида ёғингарчиликни меъёрдан кўп ёки кам кузатилиши қонуниятлари асосида мавсумий ва узоқ муддатли прогнозлар тузиш имконияти яратилган;

Эль-Ниньо ва Ла-Нинья фазалари даврида ёғингарчилик аномалиялари миқдорининг баландлик бўйича ўзгариши Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати агентлигида тоғолди ҳамда тоғли ҳудудлар учун ихтисослашган прогнозлар тузиш амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2025 йил 8 октябрдаги 01-15/1593-сон маълумотномаси). Натижада, тоғли ва тоғолди ҳудудлардаги сув ресурсларининг шаклланишини олдиндан аниқлаш, хусусан, сел хавфини камайтириш, сув ресурсларини самарали бошқариш имконияти яратилган;

Эль-Ниньо ва Ла-Нинья фазалари даврида Ўзбекистонда кузатилган ёғингарчилик аномалиялари миқдорининг ГАТ асосида яратилган рақамли карталари Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати агентлигида ҳудудлар кесимида ёғингарчилик миқдорини прогноз қилишда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2025 йил 8 октябрдаги 01-15/1593-сон маълумотномаси). Натижада, ҳудудлар кесимида келгуси Эль-Ниньо ва Ла-Нинья даврларида прогнозлар тузиш имконияти яратилган;

Эль-Ниньо ва Ла-Нинья ҳодисаларининг эҳтимоллиги асосида Фарғона водийси ҳудудига келгуси 10 йиллик давр учун узоқ муддатли ёғингарчилик миқдори учун ишлаб чиқилган прогнози Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати агентлигида аҳолига метеорологик хизмат кўрсатиш ва метеорологик прогнозлар тузиш фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2025 йил 8 октябрдаги 01-15/1593-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистоннинг марказий, жанубий ҳамда шимолий ҳудудлари учун Эль-Ниньо ва Ла-Нинья фазалари эҳтимоллиги асосида 10 йиллик ёғингарчилик прогнози тайёрлаш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур диссертация ишининг асосий натижалари 7 та халқаро миқёсидаги илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шулардан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, атамалар ва қисқартмалар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 98 саҳифани ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзунинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, унинг илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг амалиётда жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **биринчи боби “Эль-Ниньо Жанубий Тебраниш ҳодисаси ва унинг глобал иқлимга таъсири”** деб номланган. Диссертация ишининг ушбу бобида Эль-Ниньо Жанубий тебраниш тушунчаси ва ҳисоблаш методологияси асослари келтирилган, ҳодисанинг фазалари ва хусусиятлари таҳлил қилинган, ҳодисасининг глобал иқлимий тизимга таъсири баён қилинган.

Эль-Ниньо ва Жанубий Тебраниш экваториал Тинч океани бўйлаб денгиз юзаси хароратининг (Эль-Ниньо) ва устдаги атмосфера босимининг (Жанубий Тебраниш) даврий ўзгаришидан иборат.

Жанубий Тебраниш (Southern Oscillation) Австралиянинг Дарвин ва Таитидаги кузатув станциялари орасидаги денгиз сатҳидаги атмосфера босимнинг ўзгаришини тавсифлайди.

ENSO ҳодисасининг 3 та фазаси мавжуд бўлиб, улар Эль-Ниньо, Ла-Нинья ва нейтрал фазалардир.

Эль-Ниньо ҳар 3 ёки 8 йилда бир марта содир бўлиб, унинг давомийлиги ўртача 8-10 ойни ташкил этади. Ҳодиса кўпинча апрель-май ойларида бошланади ва декабрь-февраль ойларида максимал ривожланишга эришади. 1997-1998 йиллардаги Эль-Ниньо ўтган асрдаги энг кучли ҳодиса бўлиб, бутун минтақада океан юзаси 29-30°C гача қизиган. Жаҳон метеорология ташкилоти (ЖМТ) маълумотларига кўра, бу ҳодиса жаҳон иқтисодиётига

қарийб 100 млрд АҚШ доллари миқдорида зарар етказган.

Ла-Нинья одатда 3 йилдан 7 йилгача бўлган даврда содир бўлиб, ўртача 5 ойдан 24 ойгача давом этади. У Эль-Ниньога нисбатан камроқ учрайди. Ҳодисанинг жадаллигига қараб, унинг давомийлиги қанча қисқа бўлса, у шунчалик кучли таъсир кўрсатади. Энг жиддий ва зарарли таъсирлар дастлабки 6 ойда содир бўлади. Ла-Нинья одатда йил ўрталарида бошланиб, йил охирида максимал жадалликка эришади ва кейинги йилнинг ўрталарида тўхтайтиди. 1998-2000 йиллардаги ҳодиса (25 ой) сўнгги 50 йил ичида энг қизғин ва узоқ давом этган ҳодиса бўлган.

ENSO шароитларини мониторинг қилиш асосан экваториал Тинч океанининг 4 та географик минтақасидаги океан юзаси ҳарорати (ОЮХ) аномалияларига қаратилган. Ниньо 3.4 минтақасида ( $5^{\circ}$ - $5^{\circ}$  ж.к.,  $120^{\circ}$ - $170^{\circ}$  ғ.у.)  $+0,5^{\circ}\text{C}$  га тенг ёки ундан юқори бўлган ОЮХ аномалиялари ENSO нинг илиқ фазаси (Эль-Ниньо) шароитини кўрсатади. Аксинча,  $-0,5^{\circ}\text{C}$  га тенг ёки ундан паст бўлган аномалиялар совуқ фаза (Ла-Нинья) шароити билан боғлиқ.

Ниньо 3.4 ОЮХ аномалиялари жорий ой учун тугаган уч ойлик давр бўйича ўртачалаш орқали ҳисобланади ва бу қиймат Океан Ниньо Индекси (ONI – Oceanic Niño Index) деб аталади. Агар ONI қиймати кетма-кет камида бешта ой давомида илиқ ёки совуқ фаза шартларини кўрсатса, у расман Эль-Ниньо ёки Ла-Нинья ҳодисаси деб қабул қилинади. Ҳодисалар жадаллигини аниқлашда 1-жадвалда келтирилган таснифлаш тизимидан фойдаланилади.

1-жадвал

Эль-Ниньо ва Ла-Нинья ҳодисалари жадаллиги таснифи  
(манбаа: NOAA)

Ҳодисалар жадаллиги индикаторлари	Океан юзаси ҳарорати аномалиялари қийматлари, $^{\circ}\text{C}$
Жуда кучли Эль-Ниньо	$>2,0$
Кучли Эль-Ниньо	1,5 дан 1,9 гача
Ўртача Эль-Ниньо	1,0 дан 1,4 гача
Кучсиз Эль-Ниньо	0,5 дан 0,9 гача
Нейтрал	0 дан $\pm 0,5$ гача
Кучсиз Ла-Нинья	-0,5 дан -0,9 гача
Ўртача Ла-Нинья	-1,0 дан -1,4 гача
Кучли Ла-Нинья	-1,5 дан -1,9 гача

Қайд этилган ENSO ҳодисаларининг таҳлилига кўра, 1963 йилдан ҳозирги кунгача жами 22 марта Эль-Ниньо ҳодисалари кузатилган бўлиб, жадаллик бўйича уларнинг 8 таси “Кучсиз”, 6 таси “Ўртача”, 5 таси “Кучли” ва 3 таси “Энг кучли” деб баҳоланган. Шунингдек, жами кузатилган 23 та Ла-Нинья ҳодисаларидан 11 таси “Кучсиз”, 5 таси “Ўртача”, 7 таси “Кучли” ҳодисаларга тўғри келган.

Эль-Ниньо ҳодисаларида ҳам, Ла-Нинья ҳодисаларида ҳам, кучсиз ҳолатнинг такрорланувчанлиги юқори кўрсаткичга эга. Умумий Эль-Ниньо ҳодисаларининг 36,36% ҳамда умумий Ла-Нинья ҳодисаларининг 47,83%

кучсиз ҳолатларга тўғри келган.

Эль-Ниньо ва Ла-Нинья ҳодисаларининг бошланиш ва тугаш муддатларида аниқ мавсумийлик мавжуд. Эль-Ниньо ҳодисаси асосан куз-қиш мавсумида (октябрь-ноябрь) бошланиб, баҳор-ёз ойларида (март-июнь) тугайди. Хусусан, бу ҳодисанинг 22,73% октябрда бошланиб, мартда тугайди. Ла-Нинья ҳодисаси эса кўпроқ ёз-куз мавсумида (июль-сентябрь) бошланиб, кейинги йилнинг баҳор-ёз ойларида (апрель-июнь) тугаши маълум. Энг кўп тугаш ҳолати апрелга (26,09%) тўғри келади.

Диссертация ишининг **“Ўзбекистон иқлимига Эль-Ниньо Жанубий тебраниш ҳодисасининг таъсирини статистик баҳолаш”** деб номланган **иккинчи бобида** Ўрта Осиё иқлимига Эль-Ниньо Жанубий тебраниш ҳодисасининг умумий таъсир механизмлари ёритилган, ушбу ҳодиса даврида Ўзбекистонда кузатилган синоптик жараёнлар таҳлил қилинган. Шунингдек, Эль-Ниньо Жанубий тебраниш ҳодисасининг Ўзбекистон ҳудудидаги ёғингарчилик режимига ҳамда ҳаво ҳарорати режимига таъсири ўрганиб чиқилган.

Эль-Ниньо фазаси даврида атмосфера циркуляциясидаги ўзгаришлар орқали Ўзбекистон ҳудудига ғарб ва жануб томондан нам ҳаво оқимлар кириб келиши кучаяди. Бу эса ёғингарчилик режими, ҳарорат тақсимооти ва циклон фаоллигидаги ўзгаришлар орқали мамлакатда турли синоптик жараёнларнинг шаклланишига олиб келади.

Диссертация ишида 1963-2016 йилларда ENSO ҳодисаси даврида Ўзбекистонда кузатиладиган синоптик жараёнлар таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига кўра, ўртача фаоллик даражаси икки фаза учун деярли тенг бўлиб, умумий синоптик жараёнлар сонининг катта фарқ қилмаслигини кўрсатади. Бироқ, айрим жараёнлар бўйича фарқлар сезиларли. Эль-Ниньо фазасида синоптик жараёнларнинг 1, 2, 3, 4, 5, 7, 8, 9-турлари нисбатан фаолроқ.

Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудуди орқали Эрон ва Афғонистондан келаётган жанубий Каспий, Мурғоб, юқори Амударё циклонлари ва кенг кўламда иссиқ ҳавонинг чиқиши жараёнлари Ўрта Осиё ҳудудига қиш ойларида илиқ ва ёғинли об-ҳавони олиб келади. Одатда қишда қор заҳирасининг тўпланиши асосан совуқ ҳавонинг шимоли-ғарбдан кириб келиши, совуқ фронтдаги тўлқинли фаолият, Ўрта Осиёнинг шимолий ҳудудида секин силжувчи циклон жараёнларига боғлиқ. Ёзда ушбу жараёнлар кузатилган даврда тоғли туманларда атмосферада нотурғун стратификация вужудга келиши сабабли момақалдиروқлар ривожланади ва жала ёғинлар ёғади. Бироқ антициклоннинг жануби-ғарбий чеккаси жараёни кузатилган даврда Ўрта Осиё ҳудудида ёғинсиз об-ҳаво кузатилади.

Ла-Нинья фазасида эса синоптик жараёнларнинг 6, 9а, 9б, 10, 12 ва 13-турлари фаолроқ. Антициклоннинг жануби-шарқий чеккаси, антициклоннинг жанубий чеккаси, кичик градиентли юқори босимли майдон, кичик градиентли паст босимли майдон турлари Ўрта Осиё ҳудудида ёғинсиз об-ҳавонинг кузатилишига шароит яратади.

Шундай қилиб, Эль-Ниньо фазаси даврларида жанубий Каспий, Мурғоб ва юқори Амударё циклони ҳамда иссиқ ҳаво чиқиши каби жараёнлар фаоллиги ошиб, Ўрта Осиёда ёғинларнинг кўпайиши ва илиқ об-ҳаво кузатилади. Ла-Нинья фазасида эса антициклон таъсири ва кичик градиентли босим майдонлари устун бўлиб, бу ҳолат барқарор стратификация ва ёғинларнинг камайишига олиб келади.

ENSO ҳодисалари бир неча ой давом этади ва глобал иқлимга сезиларли таъсир кўрсатади. Шу сабабли унинг таъсирини тушуниш учун қисқа муддатли эмас, балки ҳодиса бошланиши-тугаши давридаги ёғингарчилик йиғиндиларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Ишда 1963-2024 йиллар даврида кузатилган барча Эль-Ниньо ва Ла-Нинья ҳодисалари давомида 50 та метеостанцияларида кузатилган ёғингарчилик маълумотларидан фойдаланган ҳолда ENSO ҳодисасининг Ўзбекистон ҳудудидаги ёғинлар миқдорининг ўзгарувчанлигига таъсири баҳоланган.

Ҳодисалар ва Ўзбекистондаги ёғинлар миқдори ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш учун ҳодиса содир бўлган даврда қайд этилган ёғинлар ҳамда шу давр учун кўп йиллик ёғинлар меъёри қийматлари олинди, улар орасидаги фарқ ҳисобланган. Сўнг барча Эль-Ниньо ва Ла-Нинья ҳодисалари учун ҳисобланган қийматлар ўртачаланди. Намуна сифатида Тошкент метеостанцияси маълумотлари асосида бажарилган ҳисоблаш натижалари келтирилди (2-жадвал).

2-жадвал


Тошкент (H=467,7 м) метеостанциясида ENSO ҳодисалари даврида кузатилган ёғинлар ва шу давр учун кўп йиллик ёғинлар меъёри ўртасидаги фарқ

Эль-Ниньо								Ла-Нинья							
№	Ҳодиса таснифи	ҳодиса даври (Йил/ой)	L (ой)	X, мм (кузатилган)	X, мм (меъёр)	δ+, мм	№	Ҳодиса таснифи	ҳодиса даври (Йил/ой)	L (ой)	X, мм (кузатилган)	X, мм (меъёр)	δ-, мм		
1	ўртача	1963/7-1964/3	9	395,60	331,30	64,30	1	кучсиз	1964/6-1965/2	9	189,00	270,30	-81,30		
2	кучли	1965/6-1966/5	12	397,00	441,10	-44,10	2	ўртача	1970/8-1971/4	9	345,80	388,40	-42,60		
3	ўртача	1968/11-1969/6	8	754,40	403,80	350,60	3	кучсиз	1971/5-1972/2	10	240,50	307,60	-67,10		
4	кучсиз	1969/9-1970/2	6	321,80	252,10	69,70	4	кучли	1973/6-1974/8	15	353,60	459,20	-105,60		
5	кучли	1972/6-1973/4	11	370,90	403,80	-32,90	5	кучсиз	1974/11-1975/6	8	281,70	403,80	-122,10		
6	кучсиз	1976/10-1977/3	6	296,10	320,00	-23,90	6	кучли	1975/7-1976/5	11	425,40	429,40	-4,00		
7	кучсиз	1977/10-1978/2	5	331,50	247,30	84,20	7	кучсиз	1983/10-1984/2	5	157,90	247,30	-89,40		
8	кучсиз	1979/11-1980/3	5	263,90	403,80	-139,90	8	кучсиз	1984/11-1985/9	11	401,30	411,40	-10,10		
9	жуда кучли	1982/5-1983/7	15	423,50	493,70	-70,20	9	кучли	1988/6-1989/6	13	327,10	452,70	-125,60		
10	ўртача	1986/10-1987/7	10	555,90	433,50	122,40	10	ўртача	1995/9-1996/4	8	300,30	385,60	-85,30		
11	кучли	1987/8-1988/3	8	306,80	327,70	-20,90	11	кучли	1998/8-1999/6	11	509,80	437,40	72,40		
12	кучли	1991/6-1992/7	14	547,70	456,40	91,30	12	кучли	1999/7-2000/4	10	308,00	392,10	-84,10		
13	ўртача	1994/10-1995/4	7	310,90	380,80	-69,90	13	кучсиз	2000/5-2001/3	11	318,70	380,30	-61,60		
14	жуда кучли	1997/6-1998/6	13	670,70	452,70	218,00	14	кучсиз	2005/12-2006/4	5	261,10	303,70	-42,60		
15	ўртача	2002/7-2003/3	9	340,70	331,30	9,40	15	кучли	2007/8-2008/7	12	287,00	441,10	-154,10		
16	кучсиз	2004/8-2005/5	10	487,90	425,70	62,20	16	кучсиз	2008/12-2009/4	5	429,40	303,70	125,70		
17	кучсиз	2006/10-2007/2	6	282,10	247,30	34,80	17	кучли	2010/7-2011/6	12	321,00	441,10	-120,10		
18	ўртача	2009/9-2010/4	8	441,20	385,60	55,60	18	ўртача	2011/9-2012/4	8	487,50	385,60	101,90		
19	кучсиз	2014/11-2015/7	9	424,10	403,80	20,30	19	кучсиз	2016/9-2017/1	5	253,90	191,80	62,10		
20	жуда кучли	2015/8-2016/5	10	462,10	425,70	36,40	20	кучсиз	2017/11-2018/5	7	283,50	388,40	-104,90		
21	кучсиз	2018/11-2019/6	8	465,20	400,10	65,10	21	ўртача	2020/9-2021/5	9	267,60	422,90	-155,30		
22	кучли	2023/7-2024/5	11	523,10	429,40	93,70	22	ўртача	2021/10-2022/6	9	461,00	429,80	31,20		
							23	кучсиз	2022/7-2023/2	8	319,00	258,60	60,40		
Σ			200,00			976,20				203,00			-1062,50		
Ўрт.			9,09			44,37				9,23			-48,30		
σ						103,04							83,22		

2-жадвал маълумотларининг таҳлили ENSO ҳодисасининг Тошкент метеостанциясида кузатилган ёғингарчилик миқдorigа сезиларли таъсир этишини кўрсатди. Эль-Ниньо фазаси даврида метеостанцияда ёғинлар

меъёрдан кўп, Ла-Нинья даврида эса меъёрдан кам кузатилди. Эль-Ниньо ва Ла-Нинья фазаларининг таъсири йиллар бўйича юқори хилма-хиллик билан намоён бўлади. Айрим ҳодисаларда ёгингарчилик кескин кўпайган бўлса, бошқаларида деярли таъсир кузатилмаган. Бу ENSO ҳодисаларининг жадаллиги, давомийлиги ва бошқа атмосфера жараёнлари билан ўзаро таъсирига боғлиқ.

Ўзбекистонда жойлашган метеостанцияларнинг баландлиги ошгани сари ENSO ҳодисасининг таъсири ҳам сезиларли даражада кучайиб боради. Эль-Ниньо даврида барча 50 та метеостанцияда ёгинлар миқдори меъёрдан кўп, Ла-Нинья даврида эса меъёрдан кам кузатилган (1-расм).




1-расм. ENSO ҳодисалари даврида кузатилган ёгинлар миқдоридagi фарқнинг метеорология станцияси баландлигига боғлиқлиги (1963-2024 йй.)

Шундай қилиб, 1963-2024 йиллар даврида олиб борилган метеорологик кузатув маълумотлари таҳлили Эль-Ниньо ҳодисалари даврида барча ҳудудларда ёгингарчилик меъёрдан ортиқ, Ла-Нинья даврларида эса, аксинча, кам бўлганини кўрсатди. Бу тамойил, айниқса, баландлик ортиши билан яққол намоён бўлади.


Эль-Ниньо ва Ла-Нинья ҳодисаларининг таъсири нафақат ёгинлар миқдори, балки унинг ҳудудий тақсимоотида ҳам яққол сезилган. Айрим метеостанцияларда ёгинлар миқдоридa катта фарқлар кузатилган бўлса, бошқаларида бундай ўзгаришлар нисбатан заиф. Бу ҳолат маҳаллий географик ва орографик омилларнинг таъсирини ҳам акс эттиради. Ҳодисалар бошланиш ва тугаш вақтларининг таҳлили Ўзбекистонда мавсумий иқлим ўзгаришлар глобал океан-атмосфера жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Диссертация ишида, Эль-Ниньо ( $\delta_{+урт}$ ) ва Ла-Нинья ( $\delta_{-урт}$ ) ҳодисалари даврида кузатилган ёгингарчилик аномалияларининг метеостанциялар баландлиги орасидаги боғлиқликлар статистик таҳлил қилинган. Эль-Ниньо даврларида ёгинлар аномалияси ва метеостанцияларнинг баландлиги орасидаги мусбат корреляцион боғланиш ( $R=0,82$ ) аниқланди. Ла-Нинья даврида эса бундай боғланиш манфий ( $R=0,64$ ) бўлиб чиқди. Бундай ҳолат Эль-Ниньо даврида баландлик бўйлаб ёгинлар миқдорининг ортиши,

Ла-Нинья даврида эса камайиб боришини кўрсатади (2,3-расмлар).



2-расм. Эль-Ниньо даврида Ўзбекистон ҳудуди бўйича ёгинлар миқдори аномалиясининг тақсимланиши



3-расм. Ла-Нинья даврида Ўзбекистон ҳудуди бўйича ёгинлар миқдори аномалиясининг тақсимланиши

Баландликнинг ENSO четланишларига таъсирини моделлаштириш учун чизиqli регрессия қўлланилди.  $\delta_{+ўрт}$  учун ҳосил қилинган регрессия тенгламаси:  $\delta_{+ўрт}=0,047 \times H+9,294$  ( $R^2=0,651$ ). Бу модел баландликнинг ҳар 100 м ортишида  $\delta_{+ўрт}$  ўртача 4,7 мм га ортишини кўрсатади.  $\delta_{-ўрт}$  учун:  $\delta_{-ўрт}=-0,040 \times H-22,315$  ( $R^2=0,410$ ). Бу баландлик ортгани сари манфий четланишнинг камайишини тасдиқлайди (ҳар 100 м га -4,0 мм). Кўришиб турибдики  $\delta_{+ўрт}$  учун  $R^2$  қиймати  $\delta_{-ўрт}$  учун  $R^2$  қийматидан катта. Бу, Эль-Ниньо ҳодисасининг баландлик билан боғлиқлиги Ла-Нинья ҳодисасига қараганда кучлироқ эканидан далолат беради.

ENSO ҳодисаларининг Ўзбекистондаги ҳарорат режимига таъсирини таҳлил қилиш учун, 1966-2024 йиллар учун Эль-Ниньо индексларидан ҳамда Нукус, Термиз, Тошкент ва Андижон метеостациялардаги ҳаво ҳарорати аномалиялари маълумотларидан фойдаланилди. Ушбу метеостанцияларни танлаш Ўзбекистоннинг мураккаб иқлим шароитида ENSO ҳодисасининг таъсирини ҳудудий жиҳатдан тўлиқ ва илмий асосланган ҳолда ўрганиш, яъни республиканинг марказий, шарқий, жанубий ва ғарбий ҳудудларида иқлим реакцияларини баҳолаш учун имкон яратади.

Ишда кучли Эль-Ниньо (1982-1983, 1997-1998, 2015-2016, 2023-2024) ва кучли Ла-Нинья (1973-1974, 1988-1989, 2007-2008, 2010-2011) йилларидаги ҳаво ҳарорати аномалиялари таҳлил қилинди. Кучли Эль-Ниньо даврида Ўзбекистоннинг аксарият ҳудудларида ҳаво ҳароратининг қиш мавсумида меъёрдан юқори бўлиши кузатилган. Барча метеостацияларда кучли Эль-Ниньо даврида қишда барқарор ижобий ҳаво ҳарорати аномалиялари аниқланди. Масалан, мусбат аномалиялар Нукусда 3,3°C дан 4,9°C гача; Термизда 1,8°C дан 3,5°C гача; Тошкентда 2,0°C дан 4,5°C гача; Андижонда 1,0°C дан 2,5°C гачани ташкил этган.

Кучли Ла-Нинья даврида эса, қишда Нукусда 1,5°C дан 3,0°C гача; Термизда 1,0°C дан 2,0°C гача; Тошкентда 1,5°C дан 3,0°C гача; Андижонда 2,0°C дан 3,5°C гача манфий аномалиялар қайд этилган. 2007-2008 йилларда январда ҳаво ҳарорат кўп йиллик ўртача меъёрга нисбатан Нукусда 11,2°C, Термизда 9,7°C, Тошкентда 8,0°C ва Андижонда 6,7°C га паст бўлган. 2023-2024 йилларда январда ҳаво ҳарорати меъёрга нисбатан Нукусда 2,3°C, Термизда 4,5°C, Тошкентда 4,2°C ва Андижонда 5,0°C га юқори бўлган.

**Диссертациянинг учинчи боби “Ёғингарлар миқдорини узоқ муддатли прогнози сценарийлари”** деб номланган. Ушбу бобда Эль-Ниньо ва Ла-Нинья ҳодисаларининг эҳтимоллиги асосида Фарғона водийсида ёғинлар миқдорининг узоқ муддатли прогнози сценарийси асосларини ёритишга бағишланган. Шу мақсадда, дастлаб Эль-Ниньо ва Ла-Нинья даврлари масалаларини ёритишга эътибор қаратилган. Сўнгра, Эль-Ниньо Жанубий тебраниш фазаларининг Фарғона водийси ёғингарчилик режимига таъсири ва келгуси 10 йиллик давр учун ёғингарчилик прогнози сценарийси тузилган.

ENSO даври – бу ENSO ҳодисасининг узоқ муддатли (ўн йил ва ундан ортиқ давр) ўзгаришларини ва фазаларининг ҳукмронлигини тавсифловчи

илмий атамадир. ENSO нинг асосий фазалари (Эль-Ниньо, Ла-Нинья) қисқа муддатли (2-7 йил) тебранишлар сифатида белгиланса, “давр” узоқ муддатли режимларни – масалан, Эль-Ниньо фазаси устунлик қилган даврларни кўрсатади, бу эса глобал иқлимга сезиларли таъсир кўрсатади.

Эль-Ниньо даврида тропик Тинч океанида иссиқ сув ҳарорати, яъни Эль-Ниньо ҳодисалари устунлик қилади. Масалан, 1977-1998 йилларда Эль-Ниньо даври кузатилиб, глобал ҳарорат ортиши ва ёғингарчилик ўзгаришларига олиб келган. Бу PDO (Pacific Decadal Oscillation – Тинч океани ўн йиллик тебраниши) нинг мусбат фазаси билан боғлиқ бўлиб, бундай даврларда Эль-Ниньо ҳодисаларининг частотатаси ошади.

Ла-Нинья даврида Тинч океани сувлари совуб, Ла-Нинья ҳодисалари кўпроқ кузатилади. Масалан, 1947-1976 йилларда Ла-Нинья каби шароитлар ҳукмронлик қилиб, қурғоқчилик ва паст ҳароратларнинг кузатилишига сабаб бўлган. Бу PDO нинг манфий фазаси билан боғлиқ бўлиб, Ла-Нинья ҳодисаларининг частотатаси ошади.

ENSO ва PDO нинг боғлиқлиги асосан атмосфера ва океан ўртасидаги икки томонлама таъсирда акс этади:


1. ENSOнинг PDOга таъсири: Кучли Эль-Ниньо ёки Ла-Нинья ҳодисаси тропикдан шимолга катта ҳажмда иссиқлик ёки совуқликни узатиши мумкин. Бундай кучли ENSO ҳодисалари қисқа муддатли (ойлар давомида) PDO индексининг ижобий ёки салбий томонга ўзгаришига олиб келиши мумкин.

2. PDOнинг ENSOга таъсири: PDOнинг узоқ муддатли фазаси тропик Тинч океанининг юза сувлари ҳароратини ўзгартириб, ENSOнинг ривожланишига таъсир қилади. Масалан, ижобий PDO даврида тропикда иссиқ сув захираси кўпроқ тўпланиши ва Эль-Ниньонинг пайдо бўлиш эҳтимоллини ошириши мумкин.

1991-2024 йилларда кузатилган Эль-Ниньо ва Ла-Нинья ҳодисалари давомида Фарғона водийсидаги 12 та метеостанцияларда кузатилган ёғингарчилик маълумотларидан фойдаланган ҳолда ENSO ҳодисасининг ҳудуддаги ёғинлар миқдорининг ўзгарувчанлигига таъсири баҳоланди. Ҳодисалар ва метеостанциялардаги ёғинлар миқдори ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш учун ҳодиса содир бўлган даврда қайд этилган ёғинлар ҳамда шу давр учун кўп йиллик ёғинлар меъёри қийматлари олиниб, улар орасидаги фарқ ҳисобланди. Сўнг барча Эль-Ниньо ва Ла-Нинья ҳодисалари учун ҳисобланган қийматлар ўртачalandи.

1991-2024 йилларда турли жадалликдаги 11 та Эль-Ниньо ва 14 та Ла-Нинья кузатилган. ENSO фазаларининг умумий тақсимооти қуйидагича бўлди. Эль-Ниньо – 101 мавсум (24,1%); Ла-Нинья – 161 мавсум (38,3%); нейтрал – 158 мавсум (37,6%).

Сўнгра, маълумотлар ўн йилликлар (1990-1999 йй., 2000-2009 йй., 2010-2019 йй., 2020-2024 йй.) бўйича умумлаштирилди ва ҳар бир фазанинг юзага келиш эҳтимоллиги нисбий тарзда ҳисоблаб чиқилди (4-расм).



4-расм. 1990-2024 йиллар оралиғида ENSO фазаларининг ўн йилликлар бўйича тақсимланиши (%)

2000 йиллардан бошлаб, Эль-Ниньо частотасининг камайиши ва бир вақтнинг ўзида Ла-Нинья ва нейтрал шароитларнинг ортиши кузатилган. 2020 йилларда Ла-Нинья фазанинг устунлиги сезиларли бўлиб, барча мавсумларнинг 66,7% ни ташкил этган. Бу 1950 йиллардан бери энг узок давом этган Ла-Нинья 2020-2023 уч йиллик эпизодига тўғри келган.

Фарғона водийси ҳудудига келгуси 10 йиллик давр учун ёғинлар миқдорини прогнози сценарийсини тузишда ENSO ҳодисаси эҳтимоллигига асосланади. Сценарийда ENSO фазаларининг ўн йилликлар бўйича тақсимланишидан фойдаланилган. 3-жадвалда ENSO фазаларининг биргаликдаги ёғин миқдорига кутилаётган таъсири келтирилган.

3-жадвал

Фарғона водийси учун 2025-2034 йиллар давридаги ёғингарчилик миқдорининг прогноз натижалари

Метеостанциялар	ENSO таъсирида ўзгарган ёғингарчилик аномалияси, мм	Ёғингарчилик прогнози, мм (2025-2034 йй.)
Улуғнор	-37,1	136,8
Қўқон	-32,9	105,1
Бўз	-39,9	157,2
Поп	-30,8	153,1
Қува	-48,6	170,2
Наманган	-50,8	155,7
Анджон	-58,2	181,3
Фарғона	-35,8	148,8
Қўрғонтепа	-92,1	260,5
Сариканда	-51,7	292,7
Шоҳимардан	-44,7	414,2
Қамчиқ	-141,8	572,1

Метеостанциянинг жойлашув баландлиги ойлик ёғингарчиликнинг меъёрга нисбатан кўп ёки кам бўлишига таъсир қилади. Энг катта манфий четланиш Қамчиқ метеостанциясига (денгиз сатҳидан 2000 м) хосдир. Поп ва Қўқон метеостанциялари алоҳида ўрин тутди, бу ерда орографик тўсик

муҳим рол ўйнайди.

Прогноз қилинаётган 10 йиллик даврда Ла-Нинья фазасининг юз бериш эҳтимоли сақланиб қолса, барча станцияларда йиллик ёғингарчиликнинг камайиши кутилади. Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрича, яқин ўн йилликларда бизни Эль-Ниньо даври кутмоқда. Ла-Нинья даврининг (2000 йиллардан бошланган) тугаётгани, айниқса охириги 5 йил давомида яққол намоён бўлгани сабабли, Эль-Ниньо фазасининг эҳтимоли ошиши мумкин.

Ушбу эҳтимолни баҳолаш мақсадида, океан юзаси ҳарорати индексининг узоқ муддатли маълумотлари (1950-2025 йй.) бўйича ENSO фазаларининг эҳтимолликлари ҳисоблаб чиқилди. 2025 йилдан кейинги 10 йиллик вақт эҳтимоллик қийматлари олинди: Эль-Ниньо – 37%, Ла-Нинья – 23%, нейтрал – тахминан 40%.

2025-2034 йилларда Ла-Нинья шароити сақланиб қоладиган сценарийда ёғингарчилик тақчиллиги ортиб боради. Ушбу сценарий бўйича ёғингарчилик миқдорининг баҳоланган прогнозида барча станциялар учун ўртача йиллик ёғингарчиликнинг сезиларли даражада (33 мм дан 142 мм гача) камайиши содир бўлади (4-жадвалга қаранг). Келгуси 10 йилликда Ла-Нинья фазасининг устунлик қилиши Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳудудларида ёғингарчиликнинг етишмаслигига олиб келади, бу ўртача 50 мм дан ортиқ ёки тахминан 1 млрд. м<sup>3</sup> сувни ташкил этиши мумкин.

Иккинчи, оптимистик сценарийга кўра, яқин келажакда Эль-Ниньо фазасининг эҳтимоли ошиши кутилмоқда. Ушбу сценарий бўйича Фарғона водийсида ўртача йиллик ёғингарчилик миқдори 3% дан 7% гача кўпайиши кутилмоқда. Бу тахминан 0,25 млрд. м<sup>3</sup> сувга тўғри келади.

## ХУЛОСА

1. ENSO фазаларининг бошланиш ва тугаш муддатларида аниқ мавсумийлик мавжуд. Эль-Ниньо асосан куз-қиш мавсумида (октябрь-ноябрь) бошланиб, баҳор-ёз ойларида (март-июнь) тугайди. Ходисанинг 22,73% октябрда бошланиб, мартда тугаган. Ла-Нинья эса кўпроқ ёз-куз мавсумида (июль-сентябрь) бошланиб, кейинги йилнинг баҳор-ёз ойларида (апрель-июнь) тугаган. Энг кўп бошланиш вақти июль ва сентябрь ойларига (17,39%), тугаш ҳолати апрелга (26,09%) тўғри келган. ENSO фазаларининг бошланиши январь-апрель ойлари оралиғида кузатилмаган.

2. Эль-Ниньо фазасида Ўрта Осиё синоптик жараёнларининг 1, 2, 3, 4, 5, 7, 8, 9-турлари нисбатан фаолроқ кузатилган. Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудуди орқали Эрон ва Афғонистондан келаётган жанубий Каспий, Мурғоб, юқори Амударё циклонлари ва кенг кўламда иссиқ ҳавонинг чиқиши жараёнлари Ўрта Осиё ҳудудига қиш ойларида илиқ ва ёғинли об-ҳавони олиб келади. Одатда қишда қор захирасининг тўпланиши асосан совуқ ҳавонинг шимоли-ғарбдан кириб келиши, совуқ фронтдаги тўлқинли

фаолият, Ўрта Осиёнинг шимолий худудида секин силжувчи циклон жараёнларига боғлиқ.

3. Ла-Нинья фазасида синоптик жараёнларининг 6, 9а, 9б, 10, 12 ва 13-турлари фаолроқ. Антициклоннинг жануби-шарқий чеккаси, антициклоннинг жанубий чеккаси, кичик градиентли юқори босимли майдон, кичик градиентли паст босимли майдон турлари Ўрта Осиё худудида ёғинсиз об-ҳавонинг кузатилишига шароит яратади.

4. Ўзбекистонда жойлашган метеостанцияларнинг баландлиги ошгани сари ENSO ҳодисасининг таъсири ҳам сезиларли даражада кучаяди. Эль-Ниньо ( $\delta_{+ўрт}$ ) ва Ла-Нинья ( $\delta_{-ўрт}$ ) ҳодисалари даврида кузатилган ёғингарчилик аномалиялари билан метеостанциялар баландлиги орасидаги боғланиш статистик таҳлил қилинган. Эль-Ниньо даврларида ёғинлар аномалияси ва метеостанцияларнинг баландлиги орасидаги мусбат корреляцион боғланиш ( $R=0,82$ ) аниқланди. Ла-Нинья даврида эса бундай боғланиш манфий ( $R=0,64$ ) бўлиб чиқди. Бундай ҳолат Эль-Ниньо даврида баландлик бўйлаб ёғинлар миқдорининг ортиши, Ла-Нинья даврида эса камайиб боришини кўрсатади.

5. Чизикли регрессия таҳлили натижаларига кўра, баландлик ENSO четланишларига сезиларли таъсир кўрсатади. Эль-Ниньо йилларида баландлик ортган сари ёғингарчиликнинг мусбат четланишлари кучайиб, ҳар 100 м баландликда ёғинлар миқдори ўртача 4,7 мм га ортади. Бу боғлиқлик нисбатан кучли ( $R^2=0,651$ ). Ла-Нинья йилларида эса баландлик ортган сайин ёғингарчиликнинг салбий четланиши чуқурлашади, ҳар 100 м баландликда ёғинлар миқдори 4,0 мм га камаяди. Бироқ бу боғлиқлик бироз заифроқ ( $R^2=0,410$ ).

6. Ўзбекистоннинг аксарият худудларида кучли Эль-Ниньо даврида қишда барқарор ижобий ҳаво ҳарорати аномалиялари кузатилган. Масалан, мусбат аномалиялар Нукусда 3,3°C дан 4,9°C гача; Термизда 1,8°C дан 3,5°C гача; Тошкентда 2,0°C дан 4,5°C гача; Андижонда 1,0°C дан 2,5°C гачани ташкил этган. Кучли Ла-Нинья даврида эса, қишда Нукусда 1,5°C дан 3,0°C гача; Термизда 1,0°C дан 2,0°C гача; Тошкентда 1,5°C дан 3,0°C гача; Андижонда 2,0°C дан 3,5°C гача манфий аномалиялар қайд этилган.

7. Эль-Ниньо даврида барча 50 та метеостанцияда ёғинлар миқдори меъёрдан кўп, Ла-Нинья даврида эса меъёрдан кам кузатилган. ГАТ усулидан фойдаланиб, Эль-Ниньо ва Ла-Нинья фазалари даврида Ўзбекистонда метеостанциялар кесимида ёғингарчилик аномалияларининг рақамли карталари яратилди.

8. Фарғона водийси худуди учун келгуси 10 йиллик даврдаги ENSO ҳодисаси эҳтимоллигига асосланиб, ёғинлар миқдорининг прогнози тузилди. Сценарийга кўра, 2025-2034 йилларда Ла-Нинья даври кузатилади. Бу Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари худудларида ёғингарчиликнинг етишмаслигига олиб келади. Ушбу кўрсаткич ўртача 50 мм дан ортиқ ёки тахминан 1 млрд. м<sup>3</sup> сувни ташкил этиши мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc.18/2025.27.12.Gr.02.01 ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**БОБОХОНОВА МАМУРАХОН НОРМИРЗА КИЗИ**

**ОЦЕНКА ВОЗМОЖНОГО ВЛИЯНИЯ ПРОЦЕССОВ ЭЛЬ-НИНЬО И  
ЛА-НИНЬЯ НА ПОГОДУ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**11.00.04 – Метеорология. Климатология. Агрометеорология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2026**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей Аттестационной Комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2024.3.PhD/Gr339

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском гидрометеорологическом институте. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу ([www.nigmi.uz](http://www.nigmi.uz)) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Кадиров Бахтиёр Шарафидинович**  
кандидат географических наук,  
старший научный сотрудник

**Официальные оппоненты:** **Эгамбердиев Хамракул Турсункулович**  
доктор географических наук, профессор

**Гафуров Зафар Асроржонович**  
доктор философии по географическим наукам (PhD)


**Ведущая организация:** **Наманганский государственный университет**


Защита диссертации состоится «17» апреля 2026 г. в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.18/2025.27.12.Gr.02.01 при Научно-исследовательском гидрометеорологическом институте. (Адрес:100052, г. Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули 72. Тел: (+998) 712358512, факс: (+998) 712371319. E-mail:: [info@nigmi.uz](mailto:info@nigmi.uz)).


С докторской диссертацией можно ознакомиться в Научно-технической библиотеке Научно-исследовательского гидрометеорологического института (зарегистрирована за №237). Адрес: 100052, г. Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули 72. Тел: (+998) 712358512, факс: (+998) 712371319).

Автореферат диссертации разослан «3» апреля 2026 года.  
(реестр протокола рассылки №1 от «3» апреля 2026 г.)



  
**Б.Х. Холматжанов**  
Председателя Научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.г.н., проф.

  
**Б.Э. Нишонов**  
Учёный секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, к.т.н.

  
**Д.М. Тургунов**  
Председатель Научного семинара  
при Научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.г.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В глобальном масштабе проблемы изменения климата, а также борьба с его негативными последствиями и адаптация к ним в настоящее время являются одной из крупнейших задач, стоящих перед мировым сообществом. Всемирная метеорологическая организация, основываясь на шести международных наборах данных, подтвердила, что «2024 год стал самым теплым годом за всю историю наблюдений. Все прошедшее десятилетие вошло в первую десятку, отметившись необычной последовательностью рекордных температур. Кратковременные повышения температуры в ходе долгосрочного процесса потепления могли произойти из-за таких природных явлений, как Эль-Ниньо, которое продолжалось с середины 2023 года до мая 2024 года»<sup>1</sup>. Данное обстоятельство обуславливает необходимость изучения влияния феномена Эль-Ниньо – Южное Колебание (El-Nino – Southern Oscillation (ENSO)) на региональный климат.

В мире проводятся исследования по выявлению причин возникновения явлений ENSO в глобальной климатической системе, пониманию механизмов, стадий развития и телесвязей явлений Эль-Ниньо и Ла-Нинья, а также изучению их влияния на изменения температуры воздуха, осадков и атмосферной циркуляции во многих регионах мира. Большое внимание уделяется вопросам заблаговременного прогнозирования интенсивности и периодичности явлений ENSO, их взаимосвязи с изменением климата, а также определению долгосрочного воздействия Эль-Ниньо и Ла-Нинья на экстремальные погодные явления (засухи, наводнения, штормы, лесные пожары) и разработке стратегий адаптации.

В республике уделяется особое внимание реализации комплексных мер и целевых программ, направленных на адаптацию к изменению климата, и в этой области достигнуты определенные положительные результаты. В Постановлении Президента Республики Узбекистан от 17 ноября 2020 года № ПП-4896 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Гидрометеорологической службы Республики Узбекистан» в качестве одной из приоритетных задач определено «внедрение инновационных методов гидрометеорологического прогнозирования различной заблаговременности, повышение надежности прогнозов погоды разной заблаговременности»<sup>2</sup>. В связи с этим изучение возможного влияния процессов Эль-Ниньо и Ла-Нинья на температуру воздуха и режим осадков в нашей стране, определение климатических аномалий по их фазам имеет важное научное и практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит

---

<sup>1</sup> Всемирная метеорологическая организация. <https://wmo.int/news/media-centre/wmo-confirms-2024-warmest-year-record-about-155degc-above-pre-industrial-level>

<sup>2</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан от 17 ноября 2020 года № ПП-4896 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Центра гидрометеорологической службы Республики Узбекистан». <https://lex.uz/docs/5108961>.

реализации задач, обозначенных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 24 июня 2024 года № ПП-233 «О мерах по созданию устойчивой агроэкосистемы к изменению климата и повышению адаптивности производителей сельскохозяйственной продукции к рискам, связанным с изменением климата», от 17 ноября 2020 года № ПП-4896 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Гидрометеорологической службы Республики Узбекистан», в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 11 августа 2023 года № 362 «Об организации разработки и эффективной реализации Национального плана действий в отношении рисков изменения климата и стихийных бедствий», а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** Исследования по вопросам явлений Эль-Ниньо и Ла-Нинья, их возникновения, а также влияния на происходящие в мире погодные явления, проводились многими зарубежными учеными, в том числе J.Bjerknes, K.Wyrтки, G.T.Walker, S.E.Zebiak, K.E.Trenberth, M.J.McPhaden, D.S.Battisti, B.Wang, K.Ashok, A.G.Barnston, R.Seager, N.K.Larkin, D.E.Harrison, C.F.Ropelewski, M.S.Halpert и другими.

Исследования ученых стран бывшего Советского Союза и СНГ, в частности Л.Н.Аристова, Д.Ю.Гушина, Г.В.Груза, М.А.Петросянц, Е.В.Соколихина, Е.М.Володин, Л.К.Клешенко, И.И.Мохов, Д.А.Смирнов, Е.К.Семёнов, Н.С.Сидоренков, посвящены вопросам возникновения явлений Эль-Ниньо и Ла-Нинья, методам их прогнозирования, негативным (положительным) последствиям, которые они вызывают в ряде стран, изучению взаимосвязи между океанической и атмосферной циркуляцией, а также влиянию этих процессов на различные регионы.

Исследования явлений Эль-Ниньо и Ла-Нинья в Узбекистане проводились такими учеными, как О.Л.Бабушкин, С.И.Инагамова, Л.Е.Скрипникова, И.С.Ким. В данных исследованиях освещены вопросы влияния явлений Эль-Ниньо и Ла-Нинья на развитие синоптических процессов Средней Азии, на режим осадков и температуры воздуха, а также на сток рек. В последние годы этими вопросами занимаются такие исследователи, как М.Л.Арушанов, Б.Ш. Кадиров и другие.

